



“ТУРОНЭЛЕКТРОМОНТАЖ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИНИНГ
1 – СОН БАЁННОМАСИ

Тошкент шаҳри

2023 йил 14 ноябр

Мажлис ўтказилган жой: “Туронэлектромонтаж” акциядорлик жамияти,
Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Тошгрес мавзеси 4а-уй.

Соат: 11:00

Ушбу мажлис баёни 2023 йил «__» _____ кuni имзоланди.

Қатнашдилар:

Кузатув кенгаши аъзолари: Юлдашев Акбар Аббасович
Дониёр Дўстматов Эркинович
Хамдамов Жамолiddин Абдуллажонович

Кворум: 100%.

Таклиф этилганлар:

М.М. Абдирахимов “Туронэлектромонтаж” акциядорлик
жамиятининг бошқарув раиси

КУН ТАРТИБИ:

1. Кузатув кенгашининг раисини сайлаш тўғрисида.
2. Кузатув кенгашининг котибини сайлаш тўғрисида.
3. “Туронэлектромонтаж” АЖ бошқарув аъзолари тайинлаш тўғрисида.

КУН ТАРТИБИНИНГ МУҲОКАМАСИ

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:

“Туронэлектромонтаж” акциядорлик жамияти акциядорларининг 2023 йил 18 октябрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилишида, Жамият кузатув кенгашининг янги таркибдаги аъзоларини сайланди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 77-моддасига мувофиқ, Жамият кузатув кенгашининг аъзолари орасидан Кузатув кенгашининг раисини сайлаш талаб этилади.

Кузатув кенгаши аъзолари томонидан кун тартибидаги биринчи масала атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кузатув кенгашининг раислигига Хамдамов Жамолiddин Абдуллажоновични сайлаш тўғрисида таклиф қилинди ҳамда тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 3 та овоз, 100%; **Қарши** – йўқ, **Бегараф** – йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:

“Туронэлектромонтаж” АЖ кузатув кенгашининг мажлисларида баённомаларни юритиш, керакли ҳужжатларни тақдим этиш ва бошқа



мажбуриятларни бажариш мақсадида, Жамият кузатув кенгашининг котибини сайлаш мақсадга мувофиқлиги маълум қилинди ҳамда ушбу лавозимга Жамиятнинг қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Д. Қўчқаров номзоди таклиф этилди.

Кузатув кенгаши аъзолари томонидан кун тартибидаги иккинчи масала атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кузатув кенгашининг котиби этиб Д. Қўчқаровни сайлаш тўғрисида таклиф қилинди ҳамда тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 3 та овоз, 100%; **Қарши** – йўқ, **Бетараф** – йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 75-моддасида жамиятнинг бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, агар жамият уставига кўра бундай ҳуқуқ жамият кузатув кенгашига берилган бўлса Жамият кузатув кенгаши ваколати доирасига кириши белгиланган.

Шунингдек, “Туронэлектромонтаж” АЖ уставининг 9.2.5-бандида Жамиятнинг Бошқарув аъзоларини (Бошқарув раисдан ташқари) тайинлаш (сайлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш кузатув кенгашининг ваколат доирасига кириши белгиланган.

Жамият уставининг 9.3.3-бандида Жамият бошқарув аъзоларининг сони беш кишидан иборатлиги белгиланган.

“Туронэлектромонтаж” АЖ бошқарув аъзолигига тайинлаш учун қуйидаги номзодлар таклиф этилди:

№	Номзоднинг Ф.И.Ш.	Лавозим
1	Нуриддинов Насрулло Сидиқович	Ишлаб чиқариш бўйича директор
2	Абдирахимов Сардор Махмаяқубович	Молиявий ишлар бўйича директор
3	Абдумавлонов Ақром Абдумавлонович	Ишлаб чиқариш бўйича директорнинг янги технология бўйича ўринбосари
4	Эшпулатов Панжи Раҳманович	Бош ҳисобчи

Кузатув кенгаши аъзолари томонидан кун тартибидаги учинчи масала атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, “Туронэлектромонтаж” АЖ бошқарув аъзолигига таклиф этилган номзодларни тайинлаш ва улар билан меҳнат шартномасини тузиш вазифасини Жамият бошқарув раисига (М.М. Абдирахимов) бериш таклиф қилинди ҳамда тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 3 та овоз, 100%; **Қарши** – йўқ, **Бетараф** – йўқ.



Юқорида баён этилганларни инобатга олиб, “Туронэлектромонтаж” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:

1. Кузатув кенгашининг раислигига Хамдамов Жамолиддин Абдуллажонович сайлансин.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:

1. Кузатув кенгашининг котиби этиб Д. Кўчқаров сайлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан:

1. “Туронэлектромонтаж” АЖ бошқарув аъзолигига Н.С.Нуриддинов, С.М. Абдирахимов, А.А. Абдумавлонов ва П.Р.Эшпулатов тайинлансин.

2. “Туронэлектромонтаж” АЖ бошқарув аъзолигига тайинланганлар билан меҳнат шартномасини тузиш ваколоти Жамият бошқарув раисига (М.М.Абдирахимов) берилсин.

Кун тартибидаги барча масалалар бўйича қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, кузатув кенгашининг раиси мажлисни ёпиқ деб эълон қилди.

Мажлис раиси  Ж.А. Хамдамов

Котиб  Д.А. Кўчқаров

“ТУРОНЭЛЕКТРОМОНТАЖ” АЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ

Юлдашев Акбар Аббасович



Дониёр Дўстматов Эркинович

